
ИНСОН ҚАДРИ УЧУН – БАҒДОДДА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Бағдод туманининг “Мурувват” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, боқувчисини йўқотган 12 та оилага хайр-саховат маблағлари ва ҳашар йўли билан қуриб берилган уйларни эгаларига топшириш тадбирида иштирок этди, ташаббускорлар ва уй эгалари билан суҳбатлашди.

Тумандаги “Қоровултепа” жоме масжиди имоми Маҳмудхон Абдуллаев жорий йилнинг апрель ойида туман ҳокимининг қабулида бўлиб, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш учун хайр-саховат маблағлари ҳисобига уй қуриб бериш ташаббусини билдирган эди. Мазкур ташаббус туман ҳокими Восилжон Назаров томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди: керакли мутахассислар ишга жалб қилиниб, лойиҳалар тайёрланди, уйларда аҳоли учун зарур барча қулайликларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими Янги йил арафасида шунча оиланинг янги уй-жой эгасига айлангани уларга муносиб байрам совғаси бўлганини таъкидлаб, янги уйларда юртимизга, халқимизга хизмат қиладиган ватанпарвар йигит-қизлар камол топишига тилак билдирди ҳамда ташаббускорларга ва бу уйларнинг қурилишида иштирок этганларга миннатдорчилик изҳор қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-27 22:14:22